

МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТНИ ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС МЕТОДИК-ДИДАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Феруза Махкамовна Юсупова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола замонавий педагогиканинг энг долзарб мавзуларидан бирига бағишланган бўлиб, унда маданиятлараро мулоқот компетенциясини ўқитишнинг ўзига хос методик-дидактик хусусиятлари батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: маданиятларо мулоқот, маданиятлараро компетенция, компетентлик, этноцентризм, маданиятлараро тафовут.

METHOD AND DIDACTICAL FEATURES OF TEACHING INTERCULTURAL COMMUNICATION

ABSTRACT

The article is devoted to one of the most pressing problems of modern pedagogy, which describes in detail the methodological and didactic features of teaching the competence of intercultural communication.

Keywords: intercultural communication, intercultural competency, competence, ethnocentrism, intercultural differences.

КИРИШ

Жаҳон фани ва инновацион фаолиятнинг ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантириш, мамлакатнинг муносиб келажagini барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда. Жаҳонда кадрларнинг, хусусан, ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш орқали олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш замонавий тенденциялардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда дунё мамлакатларида ўқитувчиларни тайёрлашда содир бўлаётган кескин ислохотлар ушбу муаммо аҳамиятини тобора ошишига олиб келмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Соҳага оид адабиётларни ўрганишдан маълум бўладики, ўзга маданиятни ўрганиш доимо маданиятлараро мулоқотнинг назар-эътиборида бўлган, сабаби мазкур фан тармоғи, аслида, ўз маданиятини онгли равишда ўрганиш ва ўзга маданиятни ўзлаштириш методикасини ишлаб чиқиш жараёнида пайдо бўлган. Э. Холлинг фикрича, маданиятлараро таълимни муайян жараён ва методлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган мақсадли, уюштирилган таълим шакли деб қараш мумкин. “Маданиятни ўрганиш” орасидаги ушбу нуқтаи назар ўзга маданият вакиллари билан бевосита алоқа жараёнида тўғридан-тўғри, интуитив ўрганишдан фарқ қилади. Ўқув жараёни талабалар учун идрок ва хулқ-атвор стереотипларини онгли равишда кенгайтириш ва ўзгартириш усуллари билан бири сифатида, ўқитувчилар учун эса ушбу стереотипларни ўзгартириш учун шароитларни онгли равишда яратиш усуллари билан бири сифатида қаралади. Маданиятлараро таълим маданиятлараро компетентликни шакллантириш, ўқитишни мақсад қилади. “Маданиятлараро компетентлик” тушунчаси остида ижтимоий кўникма ва лаёқатлар комплекси тушунилади, унинг ёрдамида шахс ўзга маданият вакиллари билан ҳам ижтимоий-маиший, ҳам касбий ўзаро алоқа жараёнида муваффақиятли мулоқотни амалга оширади.

Маданиятлараро мулоқотни ўқитиш деганда ўзга маданият вакиллари билан маданий ўзига хос стереотип шакллари тушуниш ва қабул қилиш билан боғлиқ, шахснинг ўз хулқ-атвори ўзгаришига олиб келадиган индивидуал ривожланиш жараёни тушунилади. Демак, ўқув жараёнида шахсий тажрибани эгаллашга алоҳида эътибор қаратиладигани, бунда маданиятлар орасидаги фарқлар инсон хулқ-атворини идрок этиш, ҳис этиш, бунга ишонч ҳосил қилиш, у ҳақда мулоҳаза юритишнинг алоҳида аспекти (бошқача атганда, “маданий специфика”) сифатида қаралади.

Маданиятлараро мулоқотни ўқитиш босқичлари ҳақда соҳага оид манбаларда ёзиладигани, одатда у қуйидаги кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган бир неча босқичлардан иборат жараён сифатида қаралади:

1. умуман олганда, инсон хулқ-атворининг маданий спецификасини англаш (маданиятни англаш/маданий хабардорлик);
2. ўз маданиятига хос бўлган стереотиплар тизимидан хабардор бўлиш (ўз-ўзини англаш);
3. ўзаро мулоқотга киришиш жараёнида маданий омиллар аҳамиятини англаш (кросс-маданий/маданиятлар тўқнашувидан хабардорлик).

Маданиятлараро мулоқот таълими моҳияти тўлиқ англашда, ўзга маданият вакиллари билан мулоқотда бегона маданият мотивлари учраши сабабли, биринчи навбатда, “бегонасираш(лик)” ва “этноцентризм” тушунчаларига эътибор қаратилади. “Бегонасираш(лик)” тушунчаси бирор-бир изоляцин ҳолатни эмас, балки ўзларини “бегона” ҳис қиладиган икки шерик ўртасидаги муносабатларни англатади. Бу ўз-ўзидан содир бўлмайди, лекин ҳар доим ҳам ўзига хос хусусиятлар туфайли ўзгани (Сизни) бегона деб қабул қиладиган шерикнинг мавжудлигини тахмин қилади. Айнан “бегона” нарса ўзиники бўлган нарсани ўзгача нарса деб билишга мажбур қилади, шунинг учун “бегоналик”ни ҳис этиш орқали талабаларнинг маданиятлараро мулоқотга бўлган қараши гўё икки нуктада кесишади, намоён бўлади: ўзга/бегона маданиятни ўрганишда ва (бу орқали) ўз маданиятини “кашф этиш”да. Инсон ўз маданиятини “оддий” деб қабул қилишга одатланганлиги, ҳатто баъзан уни “бегона”ларникидан устунроқ, деб ҳисоблаши сабабли “бегона” маданиятни ўрганиш орқали ўз маданиятини “кашф этиши”и анча қийинчилик туғдиради. Айнан нормаллик ва табиийлик ҳисси каби этноцентризм хислатлари тез-тез тушунмовчиликка сабаб бўладики, маданиятлараро тўқнашувларда энг асосийси – ўзга/бегонани билиш ва уни тушуниш саналади. Шу билан бирга, маданиятлараро мулоқот таълими назариясида ўз маданиятининг ўзига хос хусусиятларини англаб етиш (сенсibiliзация) маданиятлараро компетентликни ўзлаштириш йўлидаги энг муҳим мақсад эканлиги, бунинг амалга ошиши “бегона” маданиятни англамасдан иложсиз эканлиги таъкидланади.

“Бегонасирашлик” ва “этноцентризм” каби тушунчаларнинг маданиятлараро мулоқотга киритилиши уни ўрганиш жараёнининг муваффақиятини белгилайдиган ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Бу иккита “одатий” дунё тўқнашувидаги дастлабки ишончсизликни енгиб ўтиш учун туртки бўлади. “Бизникилар” ва “бегона/ўзгаларники” орасидаги қарама-қаршилик фикрлаш ва хулқ-атвор моделларини ўрганиш учун мотивга айланади. Маданиятлараро алоқада ишончсизликни камайтириш учун тақдим этилган У. Гадикунстанинг модели айнан шу ғояга асосланади. Маданиятлараро мулоқотни ўқитиш жараёнига “бегонасирашлик”ни киритиш шахс ўз маданиятини англаш учун ҳам муҳим ва у шахс ўзлигини очиб бериш шарти ҳам ҳисобланади.

Соҳага оид адабиётлар таҳлилидан маълум бўладики, маданиятлараро мулоқотни ўқитиш бўйича қатор моделлар ишлаб чиқилган.

М. Баннет модели. Ўз ва ўзга маданият орасидаги фарқларни тан олиш ва уларни маданиятлараро мулоқотни ўқитиш учун мотивация сифатида

фойдаланиш концепцияси назарияси америкалик маданиятшунос М. Беннетт томонидан ишлаб чиқилган модел ҳисобланади. У ўқув жараёнини ўзаро алмашинувчи қатор босқичлар кетма-кетлиги деб қарайди. Иккала модел ҳам ўқув жараёнининг бошланғич ва якуний босқичларини белгилашда ўзаро мос келади: ривожланиш жараёни талабанинг этноцентризм ҳолатидан бошланади ва талаба онгли равишда ўзга маданиятни қабул қилганда, шунингдек, ўзини қулай ҳис қилганда, яъни этнорелятивизм позициясига ўтганда тугайди. Таълим жараёнининг олти босқичининг ҳар бири ўзгарувчан муносабатни, яъни талабанинг ўз маданияти ва ўзга маданиятлар ораасидаги фарқларга бўлган муносабатини акс эттиради. Босқичма-босқич қараш ва хулқ-атвор бўйича маданий специфик шарт-шароит, ўзаро боғлиқликларни ўзлаштириш даражаси ортиб боради, бу, ўз навбатида, талаба қарашларининг этноцентризмдан (дастлабки уч босқич) этнорелятивизмга (сўнгги уч босқич) ўзгариши билан намоён бўлади. Маданиятлараро мулоқотни ўргатиш модели босқичларини “босиб ўтиши” орқали талаба машғулот мазмун-моҳиятини, уни ташкил этиш мантиқини тушуниш ва уни муваффақиятли ўзлаштириш имкониятига эга бўлса, ўқитувчи ушбу жараёнда машғулотни олиб бориш методларини қўллайди, тажриба орттиради, қолаверса, бу борадаги ўз шахсий нуқтаи назарини ишлаб чиқади. М. Беннетт (1993, 29-65) илмий хулосаларига кўра, мазкур модел босқичларининг асосий хусусиятлари қуйидагича:

Этноцентриқ босқичлар

(1) Маданиятлараро тафовутларни тан олмаслик. Бу ҳол ўзга маданият вакиллари билан ўзаро мулоқотга киришиши тажрибасига эга бўлмаган ҳамда фақат яқка маданият мавжуд муҳитда улғайган шахслар билан содир бўлади. Маданиятлар орасидаги тафовутлар тан олинмайди ва кўпи билан, ўта умумбашарий стереотипик “миш-миш”ларга чек қўйилади: “немислар миллатчи”, “хитойликлар сариқ танли”, “америкаликлар сеҳргар” ва ҳ.к.. Ўз маданияти ягона ва табиий ҳаёт тарзи деб қаралади.

(2) Маданиятлараро тафовутларни қабул қилмаслик. Маданиятлар орасидаги тафовутлар тан олинади, аммо, шу билан бирга, ўз маданиятида қабул қилинган қадрият ва меъёрлар ягона “тўғри” қадрият деб қабул қилинади, ўзга маданиятларнинг хулқ-атвор тизимлари рад этилади ва камситилади: “Европаликлар болаларни ёмон кўришганлари учун фарзандли бўлишни истамайдилар”, “Барча немислар шароитларни ҳисобга олишга қодир эмаслар” ва ҳ.к..

(3) Маданиятлараро тафовутларни минималлаштириш. Ушбу босқичда шахс ўзга маданиятнинг хулқ-атвор ва қарашларидаги муайян фарқларни тан олади, лекин қадриятлар тизимлари, яъни ҳаётда нимага интилиш ёки нимадан қочиш кераклиги ҳақидаги ғоялар барча маданиятларда бир-бирига тўғри ва мос келади, деб ҳисоблайди: “Ҳамма одамлар моҳиятан бир хил ва биз америкаликлар сингари пул ва шуҳратга интилишади” ва ҳ.к.

Этнорелятивистик босқичлар борасида сўз юритилган манбалар таҳлилидан аён бўладики, бунда дастлабки босқич (4) маданиятлараро иафовутларни тан олиш ҳисобланади. Турли маданият вакилларининг хулқ-атвори ва дунёқараши орасидаги фарқ аниқ эътироф этилади, шу билан бирга, бу аниқ ижобий ёки салбий деб баҳоланмайди: “Улар бизга қараганда бутунлай бошқача яшашади”.

(5) Маданиятлараро тафовут/фарқларга мослашиш. Ушбу босқичда шахс нафақат маданий тафовутларни қораламасдан идрок этади, балки у ўз маданий специфик вазиятига қараб ўз хатти-ҳаракат, ўз хулқ-атворини ўзгартириши, алоқа/мулоқот шеригининг хатти-ҳаракатларини мос равишда талқин қилиши, унга шу тарзда муносабат билдирадики, бунда алоқа/мулоқот муваффақиятли, ҳеч қандай ноқулайликларсиз амалга ошади. Мазкур босқич маданиятлараро ўқув жараёнининг мақсади саналади ҳамда маданиятлараро компетентликни ўзлаштирилганликдан далолат беради.

(6) Маданиятлараро тафовут/фарқлар интеграцияси. Ушбу босқичда шу назарда тутиладики, шахс нафақат маданиятлараро мулоқотга мослаша олади, балки ўзга маданиятли шериги хатти-ҳаракатларига муносиб жавоб бериш, муносабат билдиришга қодир бўлди, ўз қараши ва хатти-ҳаракатини икки ёки қатор маданиятларга қараб “ўналтириши, ўзгартириши” мумкин, ўзини айни дамда ўз ёки ўзга маданият вакили сифатида ҳис қилиши мумкин. одатда бу шахснинг икки ёки кўп маданиятлараро ўзлигини ифодалайди, бундай компетентликка, биринчи навбатда, икки ёки ундан ортиқ маданиятлар доирасида социализация ва маданийлашув жараёнидан ўтган одамлар эришишади (масалан, аралаш маданиятли никоҳдан туғилган фарзандлар).

Юқорида тилга олинган хулосалар (босқичлар), албатта, аъло даражадаги типик моделни англатади. Бу ҳамма ушбу ҳар бир босқични “бошдан кечириши” мумкин ёки шарт дегани эмас. Беннетт хулосаларидан билиш мумкинки, юқорида қайд этилган сўнгги босқични ўзида шакллантирган шахсда муайян муаммолар пайдо бўлиш эҳтимоли мавжжуд, чунки бунда барча маданий тамойиллар нисбийлиги назарда тутилади, бу эса шахснинг ўз ўзлигини

йўқотилиши/бузилишига олиб келиши мумкин (“маданий хамелеон” бўлиш хавфи). Бундан ташқари, ушбу модел барча босқичларда қандай ҳаракатланиш меъёрларини белгилаб беришни назарда тутмайди: масалан, шахсият ёки шахс руҳий мувозанати учун жиддий таҳдид маданиятлараро мулоқот таълими муваффақиятига тўсиқ бўлиши мумкин. Шунингдек, маданиятнинг баъзи соҳаларида (масалан, кийиниш ёки овқатланиш) компетентликка эришган шахс айнан мазкур ўзга маданиятга хос хулқ-атвор ёки қадриятларга мослашиши ёки уларни тан олмаслиги мумкин.

Ҳар бир маданиятлараро учрашувда мулоқот шериғи ёт маданиятга тегишли эканлигини, ўз этноцентриқ қарашини кўриш ва англаш зарурати маданиятлараро мулоқотни ўқитиш методикасида муҳим саналади. Зеро, маданиятлараро таълимда амалга ошириладиган вазиятлар бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин бўлса-да, уларнинг умумий характерли хусусияти бор: улар, бошқа барча таълим турларидан фарқли ўлароқ, талабадан ўз “маданий бойлик”ларини қайта кўриб чиқишни талаб қилади, бу эса ўз навбатида, шахсий идентификациянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Она-маданият инсон томонидан болалиқ даврида онгсиз тарзда, танқидий тушунча, қарашларсиз қабул қилинади. Ёши катталар эса маданиятлараро фарқларга эътибор қаратишади, шу тарзда муайян маданият вакилларига хос бўлган умумий нарса “табиий” деб қабул қилинади. Маданиятлараро мулоқотни ўрганиш талабадан ўз маданиятида қабул қилинган хатти-ҳаракатларнинг ягона “табиий” маданият эканлигига шубҳа билдиришни ёки хаттоки ушбу хатти-ҳаракатни тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Мутахассисларнинг ёзишича, ўз “маданий МЕНлиги” билан тўқнашиш жиддий эмоционал кечинмаларни келтириб чиқариши мумкин, бу одатда “маданиятлараро мулоқотни ўрганиш”да давом этиш истагини сусайтиради, хатто бундай хоҳишнинг йўқолишига олиб келади. Маданиятлараро мулоқотни ўргатиш тажрибасидан аён бўладики, мазкур муаммо устида етарли даражада иш олиб бориш, биринчи навбатда, эмоционал таълим даражасидагина амалга оширилиши мумкин. Бошқа таълим шакллари учун муваффақиятли қўлланиладиган интеллектуал таълим методлари ўзга хулқ-атворлар тизимини ўзлаштириш ва хатти-ҳаракатлар репертуарини кенгайтириш учун етарли бўлмайди. Таълимнинг интеллектуал, аффектив ва хулқ-атвор аспекти орасидаги чамбарчас боғлиқлик ҳақидаги ушбу тезисни овқатланиш маданиятига оид қуйидаги мисол билан тасвирлаш мумкин: ўзга маданиятга тегишли муайян таом ғайритабиий ҳидли туюлиши, ушбу таом ўзга маданият вакили – мезмон томонидан пичоқ, қошиқ(прибор)ларсиз (яъни, қўл билан)

истеъмол қилиш таклиф этилиши мумкин/зарур. Бироқ, эмоционал даражада эса “уни” шу тарзда ейишни рад этиш кучли реакциясини келтириб чиқариши мумкин (хатто жисмоний). Агар бу муаммо бартараф этилса, унда ушбу қай тарзда, яъни қандай овқатланиш одоби билан истеъмол қилиш кераклиги муаммоси пайдо бўлади.

Маданиятлараро мулоқотни ўргатиш жараёни бошида ҳар бир шахсда мураккаб савол туғилади: “Менинг маданиятим – бу нима?”. Ва бу, ўз ўрнида, педагоглар олдида янги дидактик муаммони кўяди. Амалда аҳамиятсиздек туюладиган, ҳис этилмайдиган “маданий линзалар” ўз маданиятимиз сифатида дунёқарашимизни қай тарзда белгилайди?

Биз ўз маданиятимизни “бўлиша оладиган” шахслар билан мулоқотга киришганда, маданият ҳақида ўйлашимиз шарт эмас, биз тўғридан-тўғри “иш масаласига ўтишимиз” мумкин. Она-маданиятининг ҳақиқий/табiiйлиги нуқтаи назаридан ҳар бир шахс ўз маданиятини нормал/табiiй/ҳақиқий деб қабул қилади, шу орқали бошқа маданият вакиллари, дунё маданий асосларини баҳолайди. Биз ўз этноцентризмимизни рефлексия ёрдамида бошқаришимиз, уни камайтиришга ҳаракат қилишимиз мумкин, аммо уни бутунлай йўқ қилиш мумкин эмас, қолаверса, агар ўзликимиз таҳдид остида қолса, у хатто кучайиши мумкин, бу ўзликнинг ҳимояси бўлиб хизмат қилади. Маданиятлараро компетентликка асосланган феъл-атвор этноцентрик муносабатларни камайтириш учун доимо онгли муносабат, ҳаракатни талаб қилади.

“Одатий/нормал” ва “табiiй” деб саналмайдиган ҳолатларга мослашиш, ўзга маданият стереотип ва қадриятларига тик қараш ҳар бир шахс учун эмоционал юк бўлиб туюлади. Бу каби эмоционал жараён олий таълимда ҳам мавжуд бўлиб, бунга ўқитувчилар жиддий муносабатда бўлиши, хатто уни қайта ишлаб чиқиши талаб этилади. Педагогикага оид манбалар таҳлилидан маълум бўладигани, таълим когнитив-интеллектуал, хулқ-атвор ва аффектив жаражада амалга ошади. Олий таълимнинг ўзига хос хусусияти, хусусан, имтиҳонлар (жорий, оралик, якуний назоратлар) шаклида талабалар билимини доимий назорат қилиниши шуни англатадики, ОТМ талабалари, биринчи навбатда, когнитив-интеллектуал даражада таълим олишади. Бу хулқ-атвор ва аффектив даражадаги таълимга одатланмаган талабаларнинг тахминларига тўғри келади. Шу билан бирга, аффектив ва ситуацион-хулқ-атвор аспектларни ҳисобга олмайдиган фақат назарий, когнитив йўналтирилган маданиятлараро таълим муваффақиятсизликка учраши аниқ. Шундай қилиб, ҳар қандай маданиятлараро мулоқот ўқитувчиси аниқлаши, ҳал қилиши зарур бўлган дилеммага дуч келади.

Маданиятлараро мулоқотни ўргатиш дидактикаси ва методикаси борасидаги қуйидаги мулоҳазалар хорижий олий таълим тажрибасига асосланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўрганилган манбаларда ёзилишича, она маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳис, идрок эишни тарбиялаш жуда мураккаб жараён: (1) табиий/одатий хулқ-атвор меъёрларини англаш, айниқса, яккамаданий (монокултурал) гуруҳларда (талабалар аудиториясининг кўп қисми шунга киради) қийин; (2) интеллектуал таълим методларига ўрганиб қолган ўқувчилар дарҳол эмоционал ва хулқ-атвор даражасида ишлашга мослаша олмайдилар. Аммо юқоридаги манбаларда қайд этиладики, мавзунинг назарий асосларини ўзлаштиришга тайёрлик ўз шахсиятининг маданий-специфик жиҳатлари билан боғланганда янада ортади. Ўз маданият тизимининг яширин элементларини англашга, улар ўз хулқ-атвор, хатти-ҳаракатларига қандай таъсир қилишини тушунишга шахсий идрок ёрдам беради. Академик таълим тизимига қабул қилинган умумий ёндашувлар доирасида ОТМларда маданиятлараро мулоқотни ўқитишда муайян муаммолар ҳам кўзга ташланади. Жумладан, ОТМдаги таълим жараёнида маданиятлараро ўқув дастурига аффектив ва хулқ-атвор элементларини киритиш, асосан интеллектуал таълимга қаратилган ОТМ дастурининг анъанавий ғоялари ва талабларига зид бўлиши мумкин. **Хулоса.** Хулоса ўрнида қайд этиш мумкинки, ОТМ дастурининг маданиятлараро мулоқот дидактикасида шундай ёндашувлар ишлаб чиқилиши керакки, талабалар маданиятлараро компетентликни эгаллай олишсин. Таълим нафақат интеллектуал (билим бериш), балки аффектив (ҳиссий алоқалар) ва хулқ-атвор даражасида ҳам олиб борилиши керак. Бу ҳолда машғулот/дарс/тренингнинг асосий мақсади ўз ва ўзга маданиятларни ўрганиш, идрок этиш маданиятлараро мулоқот жараёнида муваффақиятли ҳаракат учун асос бўлади.

ХУЛОСА

Ушбу мақсадга эришиш учун дарс-машғулотларда жўфт, гуруҳ бўлиб турли машқ ва ролли ўйинлар орқали маданиятлараро тренинглар олиб борилади. Бундан ташқари, этнология ва маданий антропологияда кенг тарқалган автобиографик баён қилиш методидан ҳам фойдаланилади: талабалар маданиятлараро учрашув/тўқнашувлар билан боғлиқ ўз ҳаётининг бошкечинмаларини сўзлаб берадилар, бунда улар ўзга маданиятнинг ётлигини ҳис қилганлари, хатто “маданий шок”ни бошдан ўтказганларини изоҳлаб

беришади. Бундай эпизодлар ҳаётий бўлганлиги сабабли маданиятлараро мулоқот муаммоларини тасвирлаш учун қўл келади. Бу талабаларга “ҳолат/вазиятга кириш” ва маданиятлараро зиддиятга ўзларини қўйиб кўришлари, бу ҳис қилишларига имкон беради. Ушбу “ҳақиқий ҳаётий вазиятни тиклаш” антропологик усули Э. Холл томонидан ўқув жараёнида маданиятлараро тўқнашувларни машқ қилиш учун фойдаланилган. Бу шахсий тажриба, ўз маданий ўзига хослик ҳамда маданиятлараро тафовутларнинг нисбийлигига холисона баҳо бериш имкониятини беради. Бироқ, талабалар билан ўтказиладиган бундай ўйинлар мавзунинг қатъий илмий асосларини пасайишига олиб келиши мумкинлигини рад этиш мумкинки, чунки айнан мана шундай ноанъанавий ўқитиш методлари ОТМ дастурлари билан реал ҳаёт орасидаги боғлиқликни таъминлайди.

REFERENCES

1. Hall E. The Paradox of Culture // In the Name of Life. Essays in Honor of Erich Fromm. New York, 1971. –P. 235.
2. Maletzke G. Interkulturelle Kommunikation. Zur Interaktion zwischen Menschen verschiedener Kulturen. –Opladen, 1996. –S. –28.
3. Bennett., Castiglioni I. Embodied Ethocentrism and the Feeling of Culture. Thousand Oaks: 2004. –P. –263.
4. Gudykunst W. B. Toward a Theory of Interpersonal and Intergroup Communication: An Anxiety/Uncertainty Management (AUM) perspective // Intercultural Communication Competence. Newbury Park: 1993. –P. 33-71.
5. “Маданий линзалар” - culture lenses. – “Ўз маданиятимиз билан бўялган, йўғрилган линзалар” орқали дунёни метафорик маъно орқали ифодалаш, бу бизнинг бошқа маданиятлар ҳақидаги тасаввуримизни белгилайди, бизнинг эътиқодимиз ва муносабатимиз маданиятга боғлиқ (маданият “эгалари” ўз маданиятини устувор марказий (бу эрда маданиятнинг этноцентризми намоён бўлади) ва бошқа маданиятларни баҳолаш ўлчови сифатида кўришга мойил). Словарь терминов межкультурной коммуникации / И.Н. Жукова, М.Г. Лебедько, З.Г. Прошина, Н.Г. Юзефович; под ред. М.Г.Лебедько и З.Г. рошиной. – М.: Флинта: Наука, 2013. – С. 215
6. Юсупова, Ф. М. (2019). К ВОПРОСУ ОБ ОБЩНОСТИ И ОТЛИЧИТЕЛЬНЫХ ПРИЗНАКАХ ПАРЕМИОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ ЯЗЫКА. *ББК 81 П996*, 99.

7. Юсупова Феруза Махкамовна. (2020). О преподавании русского языка в условиях модернизации образования. Международный журнал искусство слова, (3), 257-264.
8. Юсупова, Ф. М. (2021). ОБ ОСОБЕННОСТЯХ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ В УСЛОВИЯХ ИНОГО НАЦИОНАЛЬНОГО ОКРУЖЕНИЯ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(6), 1324-1329.
9. Юсупова, Ф. М. (2021). О МЕЖПРЕДМЕТНЫХ СВЯЗАХ В ПРЕПОДАВАНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(4), 182-185.